

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

РАЖАБОВ АМИНЖОН ҲАМРОЕВИЧ

**КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИ БИЛАН ЗАРАРЛАНГАН
БЕМОРЛАРДА ЮҚОРИ НАФАС ЙЎЛЛАРИ ЯЛЛИҒЛАНИШ
КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК КЕЧИШ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.36 - Аллергология ва иммунология
14.00.10-Юқумли касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ражабов Аминжон Ҳамроевич

Коронавирус инфекцияси билан зарарланган беморларда юқори нафас
йўллари яллиғланиш касалликларининг клиник-иммунологик кечиш
хусусиятлари 3

Ражабов Аминжон Ҳамроевич

Особенности клинико-иммунологического течения воспалительных
заболеваний верхних дыхательных путей у пациентов, инфицированных
коронавирусной инфекцией 25

Rajabov Aminjon Khamroyevich

Features of clinical-immunological rejection of inflammatory diseases of the upper
respiratory tract in patients infected with coronavirus infection..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published papers 54

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

РАЖАБОВ АМИНЖОН ҲАМРОЕВИЧ

**КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИ БИЛАН ЗАРАРЛАНГАН
БЕМОРЛАРДА ЮҚОРИ НАФАС ЙЎЛЛАРИ ЯЛЛИҒЛАНИШ
КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК КЕЧИШ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.36 - Аллергология ва иммунология
14.00.10-Юқумли касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Tib2962 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Нарзуллаев Нуриддин Умарович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Мирзоева Мехринисо Ризоевна
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Разикова Ильмира Саъдуллаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Мирзажанова Доно Бахадировна
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Амурск давлат тиббиёт академияси
(Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2024 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23-уй. Тел./факс: (99865) 223-00-50, Веб-сайт: www.bsmi.uz, E-mail: buhme@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№_____ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23-уй. Тел./факс: (99865) 223-00-50, Веб-сайт: www.bsmi.uz, E-mail: buhme@mail.ru).

Диссертация автореферати 2024 йил «_____» _____ кунни тарқатилган.

(2024 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.Ш. Иноятов

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н. Казакова

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

Б.З. Хамдамов

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда COVID-19 билан касалланган беморларда юқори нафас йўллари яллиғланиш касалликларини келтириб чиқарадиган, ҳамда уларни юзага келтирувчи хавф омилларини аниқлаш ва бартараф этиш чораларини ишлаб чиқиш замонавий инфектологиянинг энг муҳим тиббий ва иқтисодий муаммоларидан бири бўлиб келмоқда. Пандемия туфайли ЖССТ «...соғлиқни сақлаш бўйича халқаро аҳамиятга молик фавқулодда ҳолат эълон қилди ва дунё миқёсидаги хавфлар жуда юқори деб баҳоланмоқда...»¹. ЖССТ маълумотларига кўра, 2020-йил июлига қадар COVID-19 билан касалланган 15 миллион ҳолат қайд этилган, бу олти юз мингдан ортиқ ўлимни ўз ичига олади. Ушбу патология билан катталар болаларга қараганда оғирроқ касалланиб, касалликдан тез-тез вафот этишади ва ўлим кўрсаткичи 20% дан юқори бўлиб ҳисобланади. Катталар айниқса 50 ёшлар атрофидаги беморларда COVID-19 дан ўлим хавфи энг юқори ҳисобланади. Ривожланган давлатларда COVID-19 дан ўлим даражаси катталарда 2,8% ни, болаларда 1,7% ни ташкил этади.

Жаҳонда COVID-19 билан касалланган беморларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини оширишга қаратилган тадбирларнинг юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Европада COVID-19 билан касалланган беморлар 57% ни ташкил этиб, ушбу касалликдан катталар орасида ўлим кўрсаткичи 72% ни ташкил этди. Ушбу кўрсаткичлар фарқининг сабаблари номаълум, аммо генетик, иммунологик, гормонал, ижтимоий ва хулқ-атвор омиллари муҳим ҳисобланади, шунинг учун ушбу патология энг долзарб тиббий-ижтимоий муаммолардан бири ҳисобланади. Жаҳон миқёсида COVID-19 билан касалланган беморларда юқори нафас йўллари яллиғланиш касалликлари ривожланишининг мураккаблиги кўп ҳолларда уларнинг ҳаёт фаолиятини сезиларли чегараловчи ва кундалик фаолликни тиклашни қийинлаштирувчи мавжуд бўлган асоратларнинг турли туманлиги ҳамда оғирлиги билан боғлиқдир. Шунинг учун COVID-19 билан касалланган беморларда асосий касалликнинг профилактикаси ва олдини олиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жаҳонда ҳозирги вақтда минг-минглаб одамлар ҳар хил вирусли юқумли касалликларни бошидан кечириб келмоқда. Тиббиёт ходимларининг саъйи ҳаракатлари натижасида баъзи касалликлар бутунлай бартараф қилинган бўлсада, баъзи касалликлар билан касалланиш даражаси кучайиб бормоқда.

Мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояси ҳамда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан, аҳоли орасида инфекцион касалликларни даволаш ва профилактикасига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада 2022-2024 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш Стратегиясида кўрсатилган 7 та устувор йўналишнинг 4-қисм 56-мақсадида

¹ World Health Organization. Clinical management of severe acute respiratory infection when COVID-19 is suspected: interim guidance. Available at: [https://www.who.int/publications-detail/clinical-management-of-severeacute-respiratory-infection-when-novel-coronavirus-\(ncov\)-infection-is-suspected](https://www.who.int/publications-detail/clinical-management-of-severeacute-respiratory-infection-when-novel-coronavirus-(ncov)-infection-is-suspected). Accessed Jan. 20,2020.

«аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимлари потенциалини ошириш ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг 2022-2023 йилларга мўлжалланган дастурини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш...»² вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар аҳоли орасида юқумли касалликларни камайтириш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали касалланиш кўрсаткичлари ва унинг асоратларини камайтириш имконини беради.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6110-сон Фармони, 2020 йил 12 ноябрдаги «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-4891-сон қарори ва 2022 йил 16 майдаги “Айрим долзарб вирусли инфекциялар тарқалишига қарши курашиш чора-тадбирларини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-243-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилган.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги пайтда вирусли юқумли касалликлар билан касалланишни ўрганиш замонавий тиббиётнинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

2020 йилнинг 11 март куни Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти бош директори Тедрос Адханом Гебрейесус COVID-19 коронавирус инфекциясини дунё бўйлаб тарқалишини расман пандемия деб эълон қилди. Ҳозирги кунда коронавируснинг янги тури (SARS-CoV-2) келтириб чиқарадиган касаллик тобора кўпроқ глобал ташвишни кучайтирмоқда. Жуда қисқа вақт ичида инфекция касалликнинг эпидмарказидан - Ухань (Хитой) орқали бутун дунёга тарқалди. Касаллик иқтисодий ривожланган, соғлиқни сақлаш тизимлари замонавий текширув воситалари билан жиҳозланган иқтисодий ривожланган давлатлар (Италия, Германия, Испания, Франция, АҚШ, Жанубий Корея, Буюк Британия ва бошқалар) га ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

COVID-19 касаллиги юқори нафас аъзоларидан бошланиб, яъни бурун ва бурун ёндош бўшлиқлари шиллиқ қаватининг зарарланиши билан кечади, натижада бурун чиғаноқларининг каверноз тўқимаси шишиб, бурун орқали нафас олиш қийинлашишига ва ҳид билишнинг йўқолишига сабаб бўлади,

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида» ги Фармони

ҳамда серозли – шиллиқли ажралма ажралиб респираторли тумов клиникасига хос клиник белгилари намоён қилади. Алвеолаларнинг (пневмоцит) зарарланиши нафас етишмовчилигига олиб келади ва ўлимга сабаб бўлади. Вирус гастроинтестинал аъзоларга ҳам таъсир қилади. Ошқозон, ўн икки бармоқли ичак, тўғри ичакда шиллиқ ажратувчи безлар ҳам АСЕ2 ферментини ишлаб чиқариши сабабли зарарланади (Иноятов А.Ш., Облокулов А.Р., Тешаев Ш.Ж., Мирзоева М.Р.,2020; Беляков Н.А., Рассохин В.В., Ястребова Е.Б., ва ҳаммуал., 2020). Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, коронавирусли инфекция билан касалланган беморларда юқори нафас йўллари касалликларини эрта ташхислаш, оптимал даволаш схемасини ишлаб чиқиш ва асослаш, амалий соғлиқни сақлаш тизими учун долзарб вазифа ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан мослиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтининг (01.2022 PhD 141) илмий-тадқиқот ишларининг режасига мувофиқ «COVID-19 дан кейинги даврда Бухоро воҳаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташхислаш ҳамда янги даволаш профилактика усулларни ишлаб чиқиш (2022-2024 й.)» доирасида олиб борилган.

Тадқиқотнинг мақсади коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларда юқори нафас йўллари яллиғланиш касалликларининг клиник-иммунологик кечиш хусусиятларини аниқлашдан иборат бўлган.

Тадқиқотнинг вазифалари:

COVID-19 билан касалланган беморларда юқори нафас йўллари яллиғланиш касалликларининг учраш даражаси ва клиник кўринишларининг кечиш хусусиятларини аниқлаш;

COVID-19 билан касалланган беморларда иммун тизимининг гуморал омилларини ўрганиш, унинг асосий касалликнинг клиник кечиш даражалари билан ўзаро боғлиқлигини аниқлаш;

COVID-19 билан касалланган беморларда иммун тизими хужайравий бўғини ва цитокин статусларининг кўрсаткичларини юқори нафас йўллари яллиғланиш касалликларида баҳолаш;

COVID-19 билан касалланган беморларда касалликни ташхислаш ва даволаш алгоритмларини ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида COVID-19 билан касалланган 25 ёшдан 75 ёшгача бўлган 120 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморлардан олинган вена қони, қон зардоби, вирус РНКси материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари: Диссертация ишида клиник-оториноларингологик, (МРТ, МСКТ), лаборатор текширувлар: УҚТ, ФҚТВ, СРО, Д-димер, ферритин, касаллик тарихини таҳлил қилиш ва статистик текширув усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор COVID-19 билан касалланган беморларда касалликнинг клиник кўринишлари билан иммун ва цитокин статусларининг асосий кўрсаткичлари орасида тўғри пропорционал боғлиқлик мавжудлиги исботланган;

COVID-19 билан касалланган беморларда қондаги лимфоцитлар, қон зардобидаги цитокинлар каби кўрсаткичлар иммунодиагностиканинг муқобил мезонлари эканлиги исботланган;

анъанавий даволаш мажмуига иммунокоррекцияловчи препаратининг киритилиши, организмнинг иммун ва цитокин статусларидаги иккиламчи иммунотанқисликни бартараф этиши асосланган;

COVID-19 билан касалланган беморларни даволаш бўйича анъанавий даволаш ва иммунокоррекцияловчи препарат ишлатиш асосида ишлаб чиқилган алгоритмнинг мажмуавий давони оптималлаштириши ва даволаш самарадорлигини ишонарли даражада ошириши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

COVID-19 инфекцияси касаллиги ташхисланган беморларни даволаш мажмуасига иммунокоррекцияловчи препаратнинг киритилиши даволаш самарадорлигини ошириши кўрсатилган, бу эса амалий соғлиқни сақлашда фойдаланиш учун муҳим тавсия сифатида кўрсатилган;

беморларда касалликнинг асосий клиник кўринишлари билан уларнинг организмида иммун ва цитокин статусларининг асосий кўрсаткичлари орасида узвий боғлиқлик борлиги касалликнинг иммун ташхисоти учун муҳим эканлиги кўрсатиб берилган;

COVID-19 инфекцияси билан зарарланган беморларда иккиламчи иммунодефицит ҳолати кузатилганда касалликни эрта ташхислаш ва мажмуавий даволаш алгоритми ишлаб чиқилганлиги, амалий соғлиқни сақлаш учун муҳимлиги кўрсатиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотларда бир-бирини тўлдирувчи олинган натижалар ва назарий услублар қўлланилиши, ўтказилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморларнинг етарли миқдори, чет эл ва мамлакатимизда ўтказилган тадқиқотларнинг солиштирилиши, шунингдек олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан берилган хулосалар билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти COVID-19 инфекцияси билан касалланган беморларда юқори нафас йўллари яллиғланиш касалликларининг клиник кўринишлари билан иммун ва цитокин статусларининг асосий кўрсаткичлари орасида тўғри пропорционал боғлиқлик борлиги исботланганлиги, уларда иммун ва цитокин статусларини баҳолаш асосида қондаги ва қон зардобидаги иммун параметрлари иммун ташхисотнинг муқобил мезонлари сифатида кўрсатилганлиги, анъанавий даволаш мажмуига иммуномодулятор дори воситасининг киритилиши касалликнинг кечиши, унинг клиник кўринишларининг пасайиши, организмнинг иммун ва цитокин статусларидаги

иккиламчи иммунодефицитни бартараф этиб, ушбу кўрсаткичларнинг меъёрлашувига олиб келганлиги кўрсатиб берилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти COVID-19 инфекцияси билан зарарланган беморларни даволаш мажмуига иммуномодулятор дори воситасининг киритилиши даволаш самарадорлигини ишонарли оширганини кўрсатган, бу эса амалий соғлиқни сақлашда фойдаланиш учун муҳим тавсия сифатида кўрсатилганлиги, беморларда касалликнинг асосий клиник кўринишлари билан улар организми иммун ва цитокин статуслари асосий кўрсаткичлари орасида узвий боғлиқлик борлиги исботланганлиги, иккиламчи иммунодефицит ҳолати кузатилганда касалликни эрта ташхислаш ва мажмуавий даволаш алгоритми ишлаб чиқилганлиги амалий соғлиқни сақлаш учун муҳимлиги кўрсатиб берилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 2023 йил 27 декабрдаги 23-Z/105-сонли хулосасига кўра:

Илмий янгиликнинг моҳияти: илк бор COVID-19 билан касалланган беморларда касалликнинг клиник кўринишлари билан иммун ва цитокин статусларининг асосий кўрсаткичлари орасида тўғри пропорционал боғлиқлик мавжудлиги исботланган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти COVID-19 инфекцияси билан касалланган беморларда юқори нафас йўллари яллиғланиш касалликларининг клиник кўринишлари билан иммун ва цитокин статусларининг асосий кўрсаткичлари орасида тўғри пропорционал боғлиқлик борлиги исботланганлиги.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Олинган илмий-амалий маълумотлар Когон туман тиббиёт бирлашмаси бўйича буйруқ (05.04.2022 й. №32/1) ва Бухоро вилоят юқумли касалликлар шифохонаси бўйича буйруқ (05.04.2022 й. №38/1) билан амалиётга жорий этилган (Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт Кенгашининг 18.07.2023 йилдаги 23-м/072-сонли хатии).

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Ўтказилган текширишларга асосланган ҳолда, олинган натижалар тиббий ёрдам сифатини яхшилашга, касалликнинг асоратларини камайтиришга, даволашнинг янги усуллариини такомиллаштириш орқали беморларнинг ҳаёт тарзини яхшилашга ёрдам беради.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Иқтисодий самарадорлик тавсия этилган услубий тавсияномани клиник амалиётда қўллаш асосида ҳисоблаб чиқилди. Харажатлар ва фойда таҳлилини ўтказишда таққосланган вариантлар, харажатларни минималлаштириш таҳлилидан фарқли ўлароқ, катта ёки кичикроқ, аммо эквивалент бўлмаган самарадорлик билан тавсифланади. Шу муносабат билан, тақдим этилган маълумотларнинг ишончилиги даражасига қараб таҳлилнинг мақсадга мувофиқлигини баҳолаш муҳимдир.

Хулоса: Коронавирус инфекцияси билан зарарланган беморларда юқори нафас йўллари яллиғланиш касалликларининг аҳамиятини ҳар томонлама баҳолаш амалиёт учун тавсия этилган бўлиб, иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, керакли натижа билан фойдаланиш қиймати қуйидагини ташкил қилади. Бир бемор учун ўртача даволаниш куни 10 кундан 7 кунга қисқариб, тежалган маблағ 465000 сўмни ташкил этади.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: “Коронавирус инфекцияси билан зарарланган беморларда юқори нафас йўллари яллиғланиш касалликларининг клиник-иммунологик хусусиятлари” мавзусида илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Бухоро давлат тиббиёт институти эксперт кенгаши раисига Бухоро давлат тиббиёт институти илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори томонидан 27 май 2023 йил 01/04/2868-сон хат юборилган.

Илмий янгиликнинг моҳияти: COVID-19 билан касалланган беморларда қондаги лимфоцитлар, қон зардобидидаги цитокинлар каби кўрсаткичлар иммунодиагностиканинг муқобил мезонлари эканлиги исботланган;

Илмий янгиликнинг аҳамияти: Иммун ва цитокин статусларини баҳолаш асосида қондаги ва қон зардобидидаги иммун параметрлари иммунташхисотнинг муқобил мезонлари сифатида кўрсатилганлиги.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Олинган илмий-амалий маълумотлар Когон туман тиббиёт бирлашмаси бўйича буйруқ (05.04.2022 й. №32/1) ва Бухоро вилоят юқумли касалликлар шифохонаси бўйича буйруқ (05.04.2022 й. №38/1) билан амалиётга жорий этилган (Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт Кенгашининг 18.07.2023 йилдаги 23-м/072-сонли хатии).

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Коронавирус инфекцияси билан зарарланган беморларда юқори нафас йўллари яллиғланиш касалликлари клиник иммунологик хусусиятларининг аҳамиятини амалиёт шифокорлари, иммунолог, инфекционист каби мутахассисларнинг ҳамжиҳатликдаги профилактик ишларни амалга оширишларига кўмаклашади.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Иқтисодий самарадорлик тавсия этилган услубий тавсияномани клиник амалиётда қўллаш асосида ҳисоблаб чиқилди. Харажатлар ва фойда таҳлилини ўтказишда таққосланган вариантлар, харажатларни минималлаштириш таҳлилидан фарқли ўлароқ, катта ёки кичикроқ, аммо эквивалент бўлмаган самарадорлик билан тавсифланади. Шу муносабат билан, тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилиги даражасига қараб таҳлилнинг мақсадга мувофиқлигини баҳолаш муҳимдир.

Хулоса: Коронавирус инфекцияси билан зарарланган беморларда юқори нафас йўллари яллиғланиш касалликларининг аҳамиятини ҳар томонлама баҳолаш амалиёт учун тавсия этилган бўлиб, иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, керакли натижа билан фойдаланиш қиймати

қуйидагини ташкил қилади. Бир бемор учун ўртача даволаниш куни 10 кундан 7 кунга қисқариб, тежалган маблағ 465000 сўмни ташкил этади.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: “Коронавирус инфекцияси билан зарарланган беморларда юқори нафас йўллари яллиғланиш касалликларининг клиник-иммунологик хусусиятлари” мавзусида илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Бухоро давлат тиббиёт институти эксперт кенгаши раисига Бухоро давлат тиббиёт институти илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори томонидан 2023 йил 27 майдаги 01/04/2868-сон хат юборилган.

Илмий янгиликнинг моҳияти: анъанавий даволаш мажмуига иммунокоррекцияловчи препаратининг киритилиши, организмнинг иммун ва цитокин статусларидаги иккиламчи иммунотанқисликни бартараф этиши асосланган;

Илмий янгиликнинг аҳамияти: Анъанавий даволаш мажмуига иммуномодулятор дори воситасининг киритилиши касалликнинг кечиши, унинг клиник кўринишларининг пасайиши, организмнинг иммун ва цитокин статусларидаги иккиламчи иммунодефицитни бартараф этиб, ушбу кўрсаткичларнинг меъёрлашувига олиб келганлиги кўрсатиб берилганлиги билан изоҳланган;

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Олинган илмий-амалий маълумотлар Когон туман тиббиёт бирлашмаси бўйича буйруқ (05.04.2022 й. №32/1) ва Бухоро вилоят юқумли касалликлар шифохонаси бўйича буйруқ (05.04.2022 й. №38/1) билан амалиётга жорий этилган (Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт Кенгашининг 18.07.2023 йилдаги 23-м/072-сонли хатини).

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Ўтказилган текширишларга асосланган ҳолда, олинган натижалар тиббий ёрдам сифатини яхшилашга, касалликнинг асоратларини камайтиришга, даволашнинг янги усуллари тақомиллаштириш орқали беморларнинг ҳаёт тарзини яхшилашга ёрдам беради.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Иқтисодий самарадорлик тавсия этилган услубий тавсияномани клиник амалиётда қўллаш асосида ҳисоблаб чиқилди. Харажатлар ва фойда таҳлилини ўтказишда таққосланган вариантлар, харажатларни минималлаштириш таҳлилидан фарқли ўлароқ, катта ёки кичикроқ, аммо эквивалент бўлмаган самарадорлик билан тавсифланади. Шу муносабат билан, тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилиги даражасига қараб таҳлилнинг мақсадга мувофиқлигини баҳолаш муҳимдир.

Хулоса: Коронавирус инфекцияси билан зарарланган беморларда юқори нафас йўллари яллиғланиш касалликларининг аҳамиятини ҳар томонлама баҳолаш амалиёт учун тавсия этилган бўлиб, иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, керакли натижа билан фойдаланиш қиймати

қуйидагини ташкил қилади. Бир бемор учун ўртача даволаниш куни 10 кундан 7 кунга қисқариб, тежалган маблағ 465000 сўмни ташкил этади.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: “Коронавирус инфекцияси билан зарарланган беморларда юқори нафас йўллари яллиғланиш касалликларининг клиник-иммунологик хусусиятлари” мавзусида илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Бухоро давлат тиббиёт институти эксперт кенгаши раисига Бухоро давлат тиббиёт институти илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори томонидан 27 май 2023 йил 01/04/2868-сон хат юборилган.

Илмий янгиликнинг моҳияти: COVID-19 билан касалланган беморларни даволаш бўйича анъанавий даволаш ва иммунокоррекцияловчи препарат ишлатиш бўйича ишлаб чиқилган алгоритм тавсия этилган мажмуавий давони оптималлаштириши ва даволаш самарадорлигини ишонарли даражада ошириши исботланган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти COVID-19 инфекцияси билан зарарланган беморларни даволаш мажмуига иммуномодулятор дори воситасининг киритилиши даволаш самарадорлигини ишонарли оширганини кўрсатган, бу эса амалий соғлиқни сақлашда фойдаланиш учун муҳим тавсия сифатида кўрсатилганлиги.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Олинган илмий-амалий маълумотлар Когон туман тиббиёт бирлашмаси бўйича буйруқ (05.04.2022 й. №32/1) ва Бухоро вилоят юқумли касалликлар шифохонаси бўйича буйруқ (05.04.2022 й. №38/1) билан амалиётга жорий этилган (Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт Кенгашининг 18.07.2023 йилдаги 23-м/072-сонли хатии).

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Ўтказилган текширишларга асосланган ҳолда, олинган натижалар тиббий ёрдам сифатини яхшилашга, касалликнинг асоратларини камайтиришга, даволашнинг янги усулларини такомиллаштириш орқали беморларнинг ҳаёт тарзини яхшилашга ёрдам беради.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Иқтисодий самарадорлик тавсия этилган услубий тавсияномани клиник амалиётда қўллаш асосида ҳисоблаб чиқилди. Харажатлар ва фойда таҳлилини ўтказишда таққосланган вариантлар, харажатларни минималлаштириш таҳлилидан фарқли ўлароқ, катта ёки кичикроқ, аммо эквивалент бўлмаган самарадорлик билан тавсифланади. Шу муносабат билан, тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилиги даражасига қараб таҳлилнинг мақсадга мувофиқлигини баҳолаш муҳимдир.

Хулоса: Коронавирус инфекцияси билан зарарланган беморларда юқори нафас йўллари яллиғланиш касалликларининг аҳамиятини ҳар томонлама баҳолаш амалиёт учун тавсия этилган бўлиб, иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, керакли натижа билан фойдаланиш қиймати

қуйидагини ташкил қилади. Бир бемор учун ўртача даволаниш куни 10 кундан 7 кунга қисқариб, тежалган маблағ 465000 сўмни ташкил этади.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: “Коронавирус инфекцияси билан зарарланган беморларда юқори нафас йўллари яллиғланиш касалликларининг клиник-иммунологик хусусиятлари” мавзусида илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Бухоро давлат тиббиёт институти эксперт кенгаши раисига Бухоро давлат тиббиёт институти илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори томонидан 27 май 2023 йил 01/04/2868-сон хат юборилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари, шунингдек тадқиқотнинг объект ва предмети шакллантирилган, тадқиқот ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгиликлар ва тадқиқотнинг амалий натижалари баён этилиб, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилиш, чоп этилган ишлар ва диссертация таркиби ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**COVID-19 инфекцияси билан касалланган беморларда ривожланадиган юқори нафас йўлларидаги клиник ўзгаришлар**» деб номланган биринчи бобида ушбу тиббий муаммонинг назарий жиҳатлари бўйича адабиётларда мавжуд маълумотлар таҳлил қилинган. Коронавирус инфекцияси одамлар ҳаётининг барча жабҳаларига улкан таъсирдан ташқари, беморларда жиддий эмоционал психологик стресслар, депрессив ҳолатлар ҳамда барча аъзо ва тизимларда кўпгина қайтмас асоратларни келтириб чиқарди. Аммо пандемия билан боғлиқ психологик стресс, депрессив ҳолатдан ташқари, вируснинг тўғридан-тўғри таъсири ва вируснинг одам марказий асаб тизимига кейинги иммунологик жавоби ва тегишли натижалар номаълум, бўлиб келмоқда.

Диссертациянинг «COVID-19 билан касалланган беморларнинг клиник тавсифи ва тадқиқотнинг усуллари» деб номланган иккинчи бобида клиник ва тадқиқот материали ва усуллари умумий тавсифи берилган. Текширув маълумотлари ва 2020-2022 йиллар давомида турли даражадаги COVID-19 билан касалланган беморларда юқори нафас йўллари шиллиқ қаватининг яллиғланиш касалликлари билан даволанган 120 нафар (асосий гуруҳ) беморларда олиб борилган.

Касалликнинг кечиши давомийлиги беморлар анамнезидан COVID-19 билан касалланган сўнг, 6 ойдан 1 йилгача бўлган муддатни ташкил қилган. Беморларнинг барчаси консерватив даво муолажаларини олган. Ўтказилган илмий тадқиқотларга жалб қилинган COVID-19 билан касалланган жами 160 нафар беморлар 25-75 ёшгачани ташкил этиб, улар 2 гуруҳга бўлинган: асосий гуруҳ 120 нафар ва назорат гуруҳи 40 нафардан иборат. Беморларнинг 61 нафари (50,9%) аёллар бўлиб, 59 нафарини (49,1%) эркаклар ташкил қилган, назорат гуруҳида эса аёллар 14 (35%), эркаклар 26 (65%) нафарни ташкил қилди. Барча назоратга олинган беморлар клиник ва лаборатор, биокимёвий, иммунологик тадқиқотларни ўз ичига олган кенг давомли текширувдан ўтказилган. Бу борада уларнинг шикоятлари, ўтказган ва йўлдош касалликлари, преморбид кўриниш, касалликнинг келиб чиқиш сабаблари, давомийлиги, эрта даволаш чора-тадбирлар самарасига эътибор қаратилган.

Тадқиқот натижаларига кўра 750 нафар бемор ретроспектив таҳлил қилиниб, улардан 560 таси қишлоқ жойларида, 190 таси шаҳарда яшайди. COVID-19 билан касалланган беморларни клиник текшириш қуйидаги усуллар билан ифодаланади.

Стационар беморнинг тиббий картасини таҳлил қилишда ретроспектив гуруҳдаги беморларнинг жинси, ёши, асосий ва ортирилган касалликлари, клиник белгилари, COVID-19 нинг кечиш даражаси, амбулатор ва стационар босқичларда дори терапияси, лаборатория ва рентгенологик текширувлар маълумотларини ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилиш, касалхонага ётқизиш пайтида, касалхонада қолиш муддати, касалликнинг оқибатини ўрганиш шулар жумласидандир.

Асосий гуруҳдаги беморларни клиник текшириш: юрак уриш тезлиги, қон босими, ўпка аускултацияси, нафас сони ва сатурацияни ўлчашни ўз ичига олган.

Асосий гуруҳдаги беморларда лаборатория тадқиқот усуллари қуйидаги элементларни ўз ичига олади, гемостаз тизимининг ҳолатини ва эндотелиал дисфункцияни баҳолаш, рентген текшируви ва пулсоксиметрия усулидир.

Юқори нафас йўллари ажралмаларини бактериологик текширув натижалари асосида микробиологик текширувлар амбулатор ва стационар шароитда ўтказилди. Экиш учун пунктат спиртли чирокда бактериал ҳалқа билан оғиз бўшлиғидан олинган. Шу билан бирга максимал стериллик кузатилди. Соф культураларни олиш ва микробларни аниқлаш бактериологик текшириш усуллари қоидаларига мувофиқ амалга оширилди.

Иммун ҳолатни баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Иммунология ва одам геномикаси институтида олиб борилган. Лимфоцитлар дифференцировкасининг (CD) асосий кластерларига моноклонал антителолардан фойдаланган ҳолда иммун тизимининг ҳужайравий ва гуморал компонентларини таҳлил қилиш амалга оширилган.


Тадқиқотдан олинган маълумотлар шахсий компьютерда статистик ишланиб, Microsoft Office Excel-2013 дастурий пакетлари ёрдамида бажарилган. Вариацияланган параметрик ва нопараметрик статистика ўрганилаётган ўртача арифметик кўрсаткични (M) ҳисобга олиб, ўртача квадратик оғишма (σ), стандарт ўртача хато (m), ўртача нисбий катталиқ (частота, %) усулидан фойдаланилган. Ўртача катталиқлар таққосланганда олинган ўлчамлар статистик миқдори Стьюдент (t) мезони бўйича, хатолар эҳтимоли ҳисоби (P) тақсимлашнинг нормаллигини текширишда ва бош дисперсия тенглиги (F - Фишер мезони бўйича) аниқланган. Ўзгаришнинг ишончлилиқ даражаси $P < 0,05$ дан фойдаланилган.

Диссертациянинг **«COVID-19 инфекцияси билан касалланган беморларда касаллик клиник кечишининг ўзига хослиги ва иммуноглобулинлар кўрсаткичларининг аҳамияти»** деб номланган учинчи бобида текширилган беморларнинг клиник, лаборатор ва иммунологик хусусиятларига бағишланган таҳлил натижалари баён этилган.


Одам организми ҳимоя механизмларини шартли равишда механик, носпецифик резистентлик омиллари ва специфик иммунитет реакцияларига бўлиш мумкин. Шунини таъкидлаш жоизки, охириги пайтда тадқиқотчиларнинг носпецифик иммунитетни ҳимоя қилувчи оксил омилларига илмий қизиқиши ортди, улар орасида полифункционал хусусиятларга эга оксиллар алоҳида ўрин тутди - бу иммуноглобулинлар ва цитокинлар ёки интерлейкинлар бўлиб ҳисобланади.

1 – расмда назорат остига олинган беморларнинг ёши ва жинсини ҳисобга олган ҳолда тақсимланиш материаллари тақдим этилган. Жадвалдан кўришиб турибдики, текширилаётганларнинг 49,1%ини эркеклар, 50,9%ини аёллар ташкил этди. Шуниси эътиборга жоизки, барча ўрганилган ёш гуруҳларида, жинсига қараб, умумий беморлар сонига нисбатан аёллар сони устунлик қилди.

Назорат остига олинган COVID-19 билан касалланган 120 нафар беморларда касалликнинг кечишини ўрганиш учун ёшига қараб 3 та кичик гуруҳларга бўлинган: 1 – кичик гуруҳга 25 - 45 ёшгача бўлган 32 (26.7%) нафар беморлар, 2-кичик гуруҳга 45 - 60 ёшгача бўлган 42 (35%) нафар беморлар ва 3-кичик гуруҳга 60 - 75 ёшгача бўлган 46 (38.3%) нафар беморлар кирган. (1-расм)




1-расм. COVID-19 билан касалланган беморларни ёши ва жинсига қараб тақсимланиши



2 –расм. COVID-19 билан касалланган беморларни ёшига қараб тақсимланиши

2-расмда назорат остига олинган беморларни ёши ва жинсини ҳисобга олган ҳолда тақсимланиш материаллари тақдим этилган. COVID-19 инфекцияси билан касалланган беморларда касалликнинг оғир даражасида асосий ммуноглобулинлар таркибини таҳлил қилиш, COVID-19 инфекцияси билан касалланган беморларда касалликнинг оғир даражасида IgG миқдори меърий ва касалликнинг ўрта оғирлик даражалари кўрсаткичларига нисбатан сезиларли даражада ошганлигини кўрсатди. Бундан ташқари, оғир ҳолатларда ушбу маркёр касалликнинг ўртача оғирликдаги маълумотларига нисбатан 2,3 бараварга ва меъерий маълумотларга нисбатан 1,5 бараварга ошганлигини кўрсатади.




3-расм. COVID-19 инфекцияси билан касалланган bemorlarning ёши va жинсига қараб касалликнинг кечиш даражасининг тақсимланиши



4 –расм. COVID-19 билан касалланган bemorlarning нозология бўйича тақсимланиши.

Изоҳ: Ҳар бир bemорда юқоридаги нозологиялардан фақат биттаси мавжуд



5-расм. COVID-19 билан касалланган беморларда касалликнинг оғир даражасида умумий қон зардобиди иммуноглобулинларининг кўрсаткичлари, $M \pm m$, г/л

Изоҳ: * - фарқлар назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ишонarli ($p < 0.05$).

Шундай қилиб, COVID-19 билан касалланган беморларда касалликнинг оғир даражада кечишида қон зардобиди иммуноглобулинларнинг кўрсаткичларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, 5-расмда келтирилган маълумотларда иммуноглобулин G нинг ўртача таркиби назорат гуруҳи маълумотларига нисбатан сезиларли даражада ошганлигини кўрсатди.

1-жадвал

Текширилган асосий гуруҳдаги яллиғланиш реакцияларининг кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Асосий гуруҳ (n=120)
	$M \pm m$
Д-димер нг/мл	399,39 ± 46,56
Ферритин нг/мл	224,59 ± 20,04
Прокалцитонин нг/мл	0,55 0 ± 0,04

2-жадвал

Текширилган асосий гуруҳдаги беморларнинг коагулограмма кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Асосий гуруҳ (n=120)
	$M \pm m$
PT секунд	14,10 ± 0,85
ПТИ %	137,50 ± 13,31
МНО	0,87 ± 0,81
ФИБ ГГ/Л	3234,49 ± 95,26
АЧТВ секунд	30,85 ± 0,66

Диссертациянинг «COVID-19 инфекцияси билан касалланган беморларда юқори нафас йўллари касалликларида иммун тизими ўзгаришлари тавсифи» деб номланган тўртинчи бобида текшириляётган беморларда иммун тизимининг параметрларини иммунокоррекциядан кейинги ҳолатининг таҳлили натижалари келтирилган. COVID-19 инфекцияси билан касалланган эркакларга нисбатан аёллар 1,2 марта кўп учради. Бу кўрсаткич ёш ошган сари ҳам бир бирига пропорционал ошиб борган.

Барча назоратга олинган беморларда иммунологик параметрлар тадқиқотимизнинг асосий гуруҳи ва назорат гуруҳи билан таққосланди. Текширилган барча беморларнинг ёши ўртача $39,5 \pm 0,45$ ёшни ташкил этди. Барча текширилган беморлар стандарт протокол бўйича даво муолажаларини қабул қилишган.

COVID-19 инфекцияси фонида ўткир риносинусит касалликлари бўлган беморлар иммунитетининг Т-хужайравий тизим қийматларини ўрганиш натижалари 3-жадвалда келтирилган.

Тақдим этилган маълумотлардан кўриниб турибдики, COVID-19 инфекцияси билан касалланган асосий гуруҳ беморларида лейкоцитлар умумий сонининг ўртача миқдори асосий гуруҳ ва назорат гуруҳи ($p < 0.01$) қийматларига нисбатан ошганлиги аниқланди. Шубҳасиз, биз аниқлаган лейкоцитоз тизимли яллиғланиш мавжудлигини кўрсатган.

3-жадвал

COVID-19 инфекцияси фонида ривожланган ўткир риносинусит касаллигида хужайравий бўғин кўрсаткичлари, $M \pm m$

Кўрсаткичлар	Асосий гуруҳ (касаллик даврида (n=25)	Асосий гуруҳ (ремиссия даврида(n=25)	Назорат гуруҳи
Лейкоцит, кл/мкл	$5231 \pm 49^{**}$	$3211 \pm 69^{***}$	6023 ± 148
Лимфоцитлар, мутл.	$25,8 \pm 2,0^{**}$	$23,6 \pm 2,0^{***}$	$25,2 \pm 0,78$
CD3, %	$50,8 \pm 2,0^{**}$	$47,3 \pm 4,57^{***}$	$55,83 \pm 0,97$
CD4 %	$22,3 \pm 0,97^{***}$	$19,2 \pm 0,62^{***}$	$32,17 \pm 1,30$
CD8 %	$28,8 \pm 1,19^{***}$	$26,1 \pm 1,34^{***}$	$23,67 \pm 0,88$
ИБИ (CD4/ CD8)	$0,85 \pm 0,04^{***}$	$0,75 \pm 0,05^{***}$	$1,36 \pm 0,19$
CD16 %	$18,2 \pm 0,84$	$16,1 \pm 0,83$	$18,40 \pm 1,15$
CD20%	$22,8 \pm 0,81$	$20,6 \pm 1,36^*$	$23,17 \pm 1,17$
CD25%	$16,8 \pm 0,49^{***}$	$13,7 \pm 0,97^{***}$	$22,34 \pm 0,83$
CD38%	$38,4 \pm 1,68^{***}$	$34,8 \pm 1,60^{***}$	$21,18 \pm 0,63$
CD95%	$37,7 \pm 1,20^{***}$	$35,6 \pm 1,42^{***}$	$20,14 \pm 0,58$

